

## ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК КОНСИЛИУМНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Рахматова Сивилия Мухаммад-Алиевна**

**Туксанова Зилола Изатуллоевна**

Осиё халқаро университети

Бухоро давлат университети

### АННОТАЦИЯ

Психологик-педагогик консилиум ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш орқали ўрганиш, ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва мослаштириш учун мақбул шарт-шароитларни яратиш мақсадида таълим фаолиятини амалга оширадиган шакллардан биридир.

**Калит сўзлар:** консилиум, таълим, психология, мактаб ўқувчилари, психопрофилактика, услубий тавсия, тарбия, психологик хизмат.

### Долзарблиги

Республикамизда ҳозирги кунда ёш авлодни замонавий жамиятда, ҳаётга тайёрлаш мактаб таълим муассасаларидан боланинг таълим ва тарбия беришнинг турли босқичларида психологик, ҳиссиёт, жисмоний ва ижтимоий тайёргарлигини аниқлашни талаб қилади. Ушбу талабларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз томонидан қабул қилинган бир неча фармон ва қарорлар ҳам бунинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5153-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 18 январдаги 23-сон Қарорлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Психологик ва тиббий-педагогик консилиумнинг таълим амалиётида ХХ асрнинг биринчи ярмида киритилган. Бугунги кунда уларнинг фаолиятининг таркиби ва мазмуни ёши ва индивидуал типологик хусусиятлари, соғлиғи ҳолатига кўра маълум ўқишда қийинчиликларга дуч келган болалар учун махсус тузатиш-таълим муассасалари базасида жуда яхши ривожланган. Ушбу муассасалар хавф остида бўлган болаларнинг соғлиғи сақлаш, хавфсиз ривожланиши ва индивидуал таълим йўналиши бўйича мактаб ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштиришларини таъминлаш учун мўлжалланган [1, 4].

Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда танлов муаммоси ва унинг шахсни шакллантиришдаги роли инсон ҳаётининг асосий муаммоларидан биридир.

Ўрта мактабларда мавжуд таълим тизими базавий босқич битирувчисини юқори синф ўқувчиларнинг таълим профилига нисбатан ўз позициясини аниқлашда жиддий танлов қилиш заруратидан олдин кўяди. Бир неча ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўрта мактаб ўқувчилари ушбу муаммони ҳал қилишда жиддий қийинчиликларга дуч келишади ва, албатта, махсус ташкил этилган ёрдамга муҳтож бўлади.

Таълим соҳасидаги психопрофилактик хизматлар, энг аввало, ҳар бир мактаб ўқувчисининг тўлақонли психик ва шахсий ривожланишини таъминловчи психологик шароитлар учун жавобгардир, бу эса унинг фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Мактаб психологи психологик хизмат вазифаларини касбий жиҳатдан саводли ҳал этишда асосан психопрофилактик иш билан шуғулланади. Таълим соҳаси психологи ишининг айнан шу тури психологик хизмат фаолиятининг, демакки, педагогик жараён самарадорлигининг психологик шартларини таъминлайди [11, 5].

Сифатни ошириш муаммоси замонавий таълимни бошқаришнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Бунинг учун шароит яратиш берадиган таълимни бошқариш механизмини топишимиз керак.

Оиладаги носоғлом ижтимоий-иқтисодий ва психологик муҳит, соғлом турмуш тарзи ва унинг фалсафий, педагогик масалалари бўйича Йўлдошев Ж.Г, Йўлдошев У.А, Усмонов С., Баротов Ш.Б ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб боришган.

Мактаб психологик хизмати ўқувчиларнинг руҳий саломатлигига таъсир этиб, шахсни ҳар томонлама ривожланиши учун психологик мослашув муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беради. Айнан шундай муаммоларни ҳал этишда муаллиф Баротов Ш.Б. мактабдаги психологик хизмат фаолиятининг хусусиятларини ўрганиб, ўқувчиларнинг мослашишнинг психологик муаммолари пайдо бўлишининг олдини олиш ёки аллақачон пайдо бўлган

муаммоларни ҳал қилиш, ўқувчиларнинг руҳий саломатлиги даражасини яхшилаш мақсадида тадқиқот ишларини олиб борган (Баротов Ш.Б., 2018).

Ғарб давлатлари олимлари фаолиятини таъкидлаб ўтадиган бўлсак, улардан Бантон М., Скривен М., С.Гарманн каби олимларнинг тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш жоиз, уларнинг илмий изланишларида, ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш ҳамда ўқувчилар руҳий саломатлиги профилактикасини ўтказиш ишлари тақдим этилган.

Кўпгина олимларнинг фикрича, мактаб ўқувчисининг ҳаётини ўрганиш даражасини яхшилаш учун, фақат ёзма характеристикалар ёзишга берилиб кетмай, балки асосий эътиборни коллективдаги муҳокамаларга, ўқувчи ҳақида ўқитувчиларнинг фикрини билишга ҳамда энг муҳими коллектив билан ҳамкорликда ўқитувчига ёки бутун синфга индивидуал ёндошиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга қаратиши лозимдир.

Консилиумнинг шакли ва ўтказилиш амалиёти таълим муассасасининг турига ҳамда уларнинг вазифаларни қай даражада бажарилиш характери ва хусусиятига боғлиқдир.

Мактаб психологик-педагогик консилиум бу бир гуруҳ болалар учун профилактика чоралари дастурини ва ҳар бир ўқувчи учун индивидуал таълим йўналишини яратишда имкон берувчи муҳим бошқарув воситаси ҳисобланади. Педагогик муаммони ўзи ҳал қилишдан ташқари, консилиум ҳар бир иштирокчининг билимини бир-бири билан бойитади, яъни психологни мактаб ўқув дастурининг ўзига хос хусусиятлари билан, ўқитувчини эса ўқувчининг муваффақияти психологик манбалари билан таништиради. Психологик-педагогик консилиумнинг асосий вазифалари қуйидагилардир: у ёки бу синф билан ўқитувчиларнинг ишлаш жараёнидаги асосий қийинчиликлар муҳокамаси, ташхис қўйиш учун етишмаётган маълумотларни олиш усулларини танлаш; тахминий ташхис қўйиш ва уни текшириш натижаларини муҳокама қилиш; тузатувчи таъсирни танлаш билан боғлиқ бўлган ушбу синфга нисбатан педагогик вазифани қўйишдир [2, 8].

Бундан ташқари, мактаб консилиуми режага асосан ва режадан ташқари бўлади. Режали консилиумда мактабда таҳсил олаётган барча болалар жалб қилинади. У йилида камида бир марта ўтказилиши керак. Режали консилиум фаолияти қуйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган: мактабга ўқувчиларнинг қулай мослашуви учун шароит яратиш, болаларнинг шахсий ривожланиш ва таълим олишдаги муаммоларни ечиш учун психологик-педагогик йўлларни аниқлаш, маълум бир синфга аниқ бир масалада келишилган ёрдам бериш дастурини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган дастурнинг самарадорлигини баҳолашдир. Бугунги кунда режали консилиумнинг моҳияти

нафақат маълум бир муаммоларни бартараф этишда, балки таълим ва тарбиядаги энг типик қийинчиликларни ҳам бартараф этишдан иборатдир.

Режадан ташқари консилиумда эса педагог ёки бирон бир мутахассис томонидан назоратга олинган ўқувчи ёки синф кўриб чиқилади. Боланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган янги ҳолатларнинг пайдо бўлиши, унинг ривожланишининг салбий динамикаси асосан режадан ташқари консилиумнинг сабаби ҳисобланади. Режадан ташқари консилиумнинг вазифаси келиб чиққан ҳолатлар бўйича тез чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш; самарасиз бўлган олдин ўтказилган дастурни ўзгартиришдир.

Консилиум шакли ва мазмуни бўйича қандай бўлиши кераклиги маълум бир мактабда ишлайдиган мутахассислар томонидан ҳал қилинади. Унинг қандай бўлишини эса вақт кўрсатади. Аммо бугунги кунда мактабнинг психологик-педагогик консилиуми бир хил касбдаги мутахассислар томонидан муаммони муҳокама қилишни ўз ичига олган педагогик кенгаш эмас, балки турли соҳалардаги мутахассисларни ҳам жалб этиш лозимдир. Булар ўқитувчилар, психологлар, ижтимоий педагоглар, дефектологлар, логопедлар, шу жумладан, маъмурият қарорига биноан, махсус таклиф этилган ташқи мутахассислар: тиббиёт ходимлари, ижтимоий ходимлар, олимлар ва бошқалар бўлиши мумкин [3, 9].

Хулоса ўрнида ўрни айтиш жоизки, ҳозирги кунда консилиум мактабларда ҳам, психологик-тиббий-ижтимоий марказ тузилмаларида ҳам ташкил этилмоқда. Аммо, уларни ўтказиш технологияси кўпинча бузилган ва таълим муассасалари раҳбарлари ҳам, психологларнинг ўзлари ҳам ҳар доим ҳам болалар билан ишлашнинг ушбу шаклининг муҳим имкониятларини тушунмайдилар. Бизнинг мақсадимиз психологик-педагогик консилиумни тўғри ташкиллаштириш ва шу билан бирга маълум бир муаммони ҳал этиш учун янги дастур ишлаб чиқишдан иборатдир. Чунки айнан замонавий консилиумнинг талаби ҳам боланинг ижтимоий ва шахсий ривожланишини у содир бўлган муайян вазиятда уни оптималлаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)**

1. Баратов Ш. Р. Особенности деятельности школьной психологической службы. // Вестник интегративной психологии. - 2018. № 16. С. 43-46.
2. Котова С. Школьный консилиум как инновационная образовательная технология. // Социальная педагогика. 2010. №1. С. 19-27.
3. Nasirova N.K., Tuksanova, Z.I., Nosirova N.G. Innovative technologies in physics education. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. // 2020. № 10. P 19-22.

4. Йулдошев, У., Жуманкузиев, У. Определение ведущих педагогических закономерностей и основополагающих принципов формирования информационной культуры детей школьного возраста. // Общество и инновации. – 2021. №2(5/S). – С. 68-76.
5. Туксанова, З. И., Ашурова, Н. А. Анализ показателей заболеваемости среди школьников. // Ученый XXI века. – 2016. № 5-1 (18). С. 3-5.
6. Назаров, Э. С., Туксанова, З. И. Эффективное использование инновационных технологий в системе образования. // In IX International Scientific and Practical Conference «Scientific achievements of modern society» Liverpool, United Kingdom. 2020. - P. 772-778.
7. Tuksanova Z.I, et al. Health status of School children depending on health care activities of families. // European science review. – 2018. - № 9-10-2. - P. 164-166.
8. Резникова Е. В., Васильева В. С. Психолого-педагогический консилиум как средство комплексного сопровождения детей с ограниченными возможностями здоровья // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. — 2018. — № 6. — С. 270-287.
9. Tuksanova, Z. Ta'lim tizimida innovatsion texnologiyalardan samarali foydalanish. // Центр научных публикаций (buxdu. uz). 2020. - №4 (4).
10. Юлдашев Ж.Г., Пулатова Д. Таълимда ўйинли технологиялар самарадорлик омили сифатида. // Современное образование. – 2014. - №8. – 34-37 Б.
11. Tuksanova, Z., Nazarov, E. Effective use of innovative technologies in the education system. // Интернаука. – 2020. - №16-3. P. 30-32.